O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Куч—адолатда

АДОЛАТ

Ўзбекистон «Адолат» СДП газетаси

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган ✡ 1998 йил, 3 октябрь, № 39 (182) ✡ Жума кунлари чиқади ✡ Сотувда эркин нархда

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2 октябрь куни АҚШ Қуролли кучлари марказий қўмондонлиги Бош қўмондони Энтони Зинни раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Президент Ислом Каримов АҚШ маъмуриятининг Ўзбекистон билан ҳарбий соҳадаги ҳамкорликни ривожлантиришга катта аҳамият бераётганидан мамнуният изҳор этди.

Америкалик меҳмон самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Мулоқот чоғида икки давлат ўртасида ҳарбий соҳадаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, шунингдек, минтақавий хавфсизлик ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Қабул маросимида Ташқи ишлар вазири А. Комилов, Мудофаа вазири Ҳ.Турсунов иштирок этди.

Қабулда АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Ж. Пресел ҳозир бўлди.

(ЎзА)

ЎЗБЕКИСТОН МАЪРИФАТ АҲЛИГА

Муҳтарам устозлар! Қадрли мураббийлар!

Сизларни қутлуғ байрам - Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан чин дилдан муборакбод этаман.

Халқимиз сизларнинг мўътабар сиймонгизда миллат келажаги учун толмай хизмат қилаётган, мустақил фикрлайдиган, иродаси бақувват, иймони бутун, Ватани ва халқига фидокор комил инсонларни вояга етказишдек шарафли ва масъулиятли вазифани адо этаётган заҳматкаш ва фидойи инсонларни кўради.

Мен фарзандларимиз Сиз берган билими, Сиз парваришлаган истеъдоди билан янги асрда ҳам Ўзбекистон номини улуғлашларига, бутун имкониятларини буюк аждодлари анъаналарини давом эттириб, устозлари ишончини оқлашларига қатъий ишонаман.

Халқимизда «Устоз - отангдан улуғ» деган нақл бор. Бу мураббийларга бўлган юксак эҳтиром, иззат-икром ва беқиёс қарздорлик ифодасидир. Зотан, Сиз озод юртнинг энг азиз, энг улуғ ва мўътабар кишиларидансиз.

Азиз ватандошлар!

Бугунги умумхалқ байрами билан сизларни яна бир бор қутлар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, эзгу ишларингизда ривож, оилангизга бахт-саодат тилайман.

Ҳар бирингизнинг хонадонингизга шодлик ва иқбол ҳамиша ёр бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

● Ўзларини анъанавий касб байрамларини Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманидаги 114-ўрта мактаб жамоаси ҳам зўр тантаналар билан нишонлади.

СУРАТДА: мазкур пешақадам мактабнинг ишчан раҳбари Мастура Убайдуллаева ҳамкасблари ва маҳалла фаоллари билан.

Ҳусанбой АВВАЛОВ олган сурат.

Назм

Муҳаммад ЮСУФ,
Ўзбекистон халқ шоири.

ИФТИХОР

Ўзбекка ўхшатиш топмоқ муаммо,
Ўхшаса ўзига ўхшайди ўзбек.
Қиёси йўқ унинг, меҳри бир дарё.
Дунёда болам деб яшайди ўзбек.

Бир қўлда беланчак, бир қўлда Қуръон,
Бир елкада кетмон, бирида иймон,
Барчага баробар бир офтобсимон
Яшнасин олам деб яшайди ўзбек.

Ўнта бўлса, ўрни бошқа унингчун —
Ўғлим, оташимдан яралган учқун,
Қизим парилардан рухсори гулгун,
Юзлари лолам деб яшайди ўзбек.

Момолари тетик юзга кирса ҳам,
Боболари қайси йигитлардан кам,
Зурёдлари бўлса бир ҳовлига жам,
Тўшак етмай тўнни тўшайди ўзбек.

Эҳтиром этганда эҳромлари бор,
Кеккайганга бўйин эгмагай зинҳор,
Бешигида жажжи Исломлари бор —
Тош ўтмас қўрғонга ўхшайди ўзбек.

Муҳаммад, ким бўлдинг, қиёсин топиб,
Ўхшаса — ўзига ўхшайди ўзбек.
Ёмон шеър ёзсанг ҳам бетингдан ўпиб,
Кам бўлма болам, деб яшайди ўзбек.

УСТОЗИНГИЗ КИМ?

Публицистика

Муаллим, мураббийлар учун байрам таъсис этилди. Мен эса бундан ғоят севиндим.

Қулф дилни очмоқ — устозлик, сўппайган бармоқларни гапиртирмоқ, тугук тилларни ечмоқ, сайратмоқ, бу дунёнинг кўринмас рангларини кўрсата билмоқ устозликдир. Онасидан энди туғилган, ҳали кўзи очилмаган ҳар бир гўдакнинг бағрида кўзи очилмаган буюклик ҳам бирга туғилади. Ва бу буюклик бир умр ўша инсоннинг томирларига тиқилиб, юракларига ботиб, ҳужайраларида сим-сим йиғлаб ўз уйғотувчисини, ёруғ оламга олиб чиқувчисини кутиб яшайди. Бу интиқ кутилган, Оллоҳдан сўралган неъмат УСТОЗдир. Устоз — туртки, устоз — маёқ, устоз — ғаввосдир. Ҳақиқий устоз топганлар — очилган олтин сандиқ, устоздан омади келмаганлар шаклан инсон, мазмунан ҳеч кимдирлар. Ҳар инсонга устоздан буюрсин экан!

Айниқса, жисмларга энди исм қўйиб таний бошлаган, ранглар кўзингни қамаштирган, ҳар бир тонг сени янги-янги сўроқлар билан уғотадиган болалик оламингда ўша зот — «устоз» деган мўъжиза нақадар даркор!..

Мана мен ўзим ҳам ўттиз йил муаллимлик қилдим. Гоҳи ўйлаб қолиб айтаман: умрим бошдан — оёқ гуноҳ ичида-ёв! Нега десангиз, агар битта мактабда мингта бола ўқиса, бу мингта ҲАЙРАТ дегани. Уларнинг нечтасига бепарво ўтдим! Савол тўла кўзларнинг қанчаси мендан жавоб ололмай кетди экан! Шукурки, ҳамиша ўқувчиларимнинг муҳаббатини ҳис этиб ишладим, орқамдан излаб келадиганлар ҳам ўшалар. Аммо уларга бундан зиёдроқ фойдам тегиши мумкин эди. Уларнинг ақл ва юракларида кашф қилинмаган неки қолган бўлса, менинг ҳам айбим бор-да деган пушмон ва изтироб дилимни кемириб ётади.

Инсоннинг шундай пайти келарканки, ўзингни тинмай тарозига соладиган, қўлимдан нима келди, нимани ёлчитдиму нимани эполмадим дейдиган бўлиб қоларкансан. Менинг ягона юпанчим шуки, ўқитувчиликда яйраб ишладим. Болаларнинг покиза дунёси менга кўп нарса берди.

Устозликнинг иқлими ўзи бир қизиқ. Агар сенинг ўқитганларингни ичидан ибратли, таниқли чиққудай бўлса, ҳа ўзи авалдан яхши бола эдида дейсан. Ора-орада бирортаси номақбул гап-сўзга қолса-чи! Фарзандинг шундай қилса, уришасан, бўғиласан, лекин кўп ҳам ўтмай ўзингни босиб, муўтадил ҳолатга тушасан. Аммо шогирдинг учун... ҳар ўша собиқ ўқувчинг ҳақида гап кетса, кўзингни олиб қочасан, худди унинг чатоқ жойига сен ҳам шерикдай. Кўзим қайдайди, ёшлигимда нега хушёр бўлмадим, нега сезмадим дея ўзингни ейсан, юрагингнинг бир четида уят тураверади. Худди кимга устозлик қилдинг деб биров сўраётгандай ёки гуноҳ қилган болангдан устозинг ким деб нақ сени суриштираётгандай бўлаверади.

Шундай ўқитувчиликнинг юкини тортмоқ ҳар кимнинг ҳам қўлидан келмас экан...

«Устоз» деган сўзнинг маъноси жуда кенгдир. Бу ёруғ дунёда нимаики бунёд бўлган ва бўлаётган бўлса, устоз — шогирдликнинг ҳосиласидир. Ниманидир қўлингдан ўрганасан, дўстингдан, оилангдан, китобу матбуотдан, табиат, ҳаттоки, жониворлардан-да нимадир оласан. Баъзан фарзандингдан ҳам бир нарсалар ўрганиб тананг яйрайди. Тўрт тараф сабоқ ва ўшанча шогирд.

Юқорида бир неча йилгина давом этадиган ўқитувчи ва ўқувчи муносабатларига тўхталдик. Аммо мазкур муносабатларнинг бир умр давом этадиган ўриклари ҳам мавжуддир. Қайнона-келинликни олайлик. Энг нозик устоз — шогирдлик шу эмасми! Рўзғор деган муқаддас уюшманинг бугунги ҳолатига разм солиб, юрагим увишади. Ҳар бир оила жамиятнинг бир ғишти. Аммо бу ғиштларнинг бутунидан синиғи кўпайиб кетаётгани ҳаммага аён.

Касбига ноқобил ўқитувчи ўқувчисидан шикоят қилади. Келинни ёмонлаб юрадиган қайнона ҳам худди шундай. Аввало, худо ёрлақаган одам келинли бўлади — шунинг ўзи давлат, оила иқлимига келиннинг, яъни, янги бир ҳавонинг кириб келиши катта воқелик! Ҳар қандай воқелик содир бўлганда эса ўзгаришлар, силжишлар, янгиланишлар бўлиши табиийдир.

Янги фарзанд кўрсангиз ҳеч қачон уни уйлар қуриб, сеплар ясаб, ҳовлиларигача башанг қилиб, кутиб олмайсиз, лекин келин келса шундай қиласиз, ўзингиз паст уйга сурилиб, калинни баланд уйга жойлайсиз. Ҳаяжон ва ризолик билан қиламиз бу ишни. Сабаби келин авлодимни узайтиргани, боламнинг ёнида болам бўлиб, толсам суягани, кетар бўлсам чироғимни ўчирмаслик учун келади. Шундоқ воқелик содир бўлади-ю нега таранг тортмайин! Келинга бўлган лутф ва марҳаматларим аввало унга бўлган ҳурматим изҳоридир.

Қолаверса, (мана шу устозликнинг бошланишидир) ҳамма ёқни созлаб кутиши — келиннинг кўзи бошидан бошлаб орасталикка ўргансин деганим, ўст-бошимни саришта тутишим — келин менга боқиб уйда рўдапо бўлиб юрса бўлаверар экан демасин деганим, айб иш қилган оилам аъзосига овозимни кўтармай, бепошна гап айтмай, имо-ишорали танбеҳга ўтишим-келинга андоза бериб тили-ю этини қотириб қўймай, қолаверса, онаси бўла тўриб, ўз болаларимни шу қадар юз хотир қилаяпманми, келиннинг уларга ҳурматсизлик қилишига йўл йўқ деганимдир.

Фарзандлар аксари айтганимизни эмас, қилганимизни қиладилар. Келин менинг уйимга четдан кириб келди, то шароитни уққунча хатолар қилиши бор гап. Мен унинг адашишларини маржонга тизиб санамай, тўғрисини бажариб кўрсатишим зарур. Буни халимлик билан, устозларга беминнат қилишим керак. Худо берган уч келиним бор, қўшганлари билан қўша ул-ғайсинлар. Онамдан кейин онам, фарзандларим ҳам билмайдиган сирларимни айтадиган ишонч тоғларим. Ҳақиқий меҳр ва иззат кўрадиган манбаларим — шу келинларим, у дунё бу дунё улардан розиман...

Янги келин давлат имтихони топшираётган, қалтираб турган талабага ўхшайди. Оиланинг ҳар бир аъзоси уни зимдан кузатиб туради. Уй янги, рўзғор қуроллари янги, ўзи энди мактабдан чиққан. Шунча ҳаяжон ва изтиробини менинг кулбамга бағишлаб турса-ю, бу жиндаккина жонга нега она бўлиб раҳмим келмасин, нега унга қўрғон бўлмайин?! Хатосини ёпишим, камини тўлдиришим, юпатиб туришим унга мадад беради, қолаверса, менга меҳри тушади, яна қолаверса, меҳнатини розилик билан қилади. Онамизнинг сути ҳам бизга қарз бўлади-ю, келиннинг менга хизмати қарз эмасми! Розилик бўлмас экан, уйимизда барака бўлмагай!

Келиннинг гуручдай яхши ишини ҳам сезганимни билдиришим керак. Мақтовга ҳали лойиқ бўлмаса, ҳеч йўқ дуо тарзида рағбатлантириш жоиз.

Сиз ҳам, келин ҳам Оллоҳнинг неъматларисиз. Ҳақ яхши ниятда берган тил, дилни кибрга, бировга озор беришга сарфладингизми, жавобини берасиз. Рўпарагиздаги неъмат-келинни хор қилдингизми, гуноҳингиз икки баравар ошади.

Бир ширин холапошшага «устозингиз ким?» дея савол бераман. «Худо раҳмат қилгур қайнона ойимлар» деб жавоб беради у киши. «Келин бўлиб келганимдан кейин, қўлимдан ушлаб рўзғорни айлантирдилар. Мана бу супургининг ини, мана бу ҳокондознинг ини. Мош бу ерда қопқоғи ёпиқ туради, гўшт анови ерда докага ўроғлиқ туради. Хуллас, шу ерда нимам бўлса, энди сизга топширдим. Шундоқ тартибда сақланг, яхшиланг-ки, ёмон бўлмасин. Ўзимни ҳам сизга топширдим: бер-сангиз ейман, бермасангиз ўламан, дедилар. Ерга урса кўкка сапчийдиган асов тойчоқ, эдим. Раҳматли қайнона онам силаб-сийпаб мени одам қилганлар», деб ёшларини артди холапошша.

Яхшиликка чорлаш — устозлик. Яхши амалларни ўзинг мисолида бировларга ўргатиш — улуғ устозлик. Ҳар биримиз қайсидир даражада устозларимиз ва жамиятнинг покланиб бориши учун масъулмиз.

Шу ўринда яна ҳар доимги тилагимни яна тилга оламан: ҳар биримизга ўзимиздан кучлироқларни уйғотиб кетиш насиб бўлсин ва улардан «устозинг ким эди? дея сўраб юрсинлар.

Турсуной СОДИҚОВА.

Партия ахбороти

КОТИБИЯТ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон Адолат социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши котибиятининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг навбатдаги Пленумини ўтказиш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

Партия Сиёсий Кенгашининг биринчи котиби Турғунпўлат Даминов раислигида ўтган бу йиғилишда партиянинг ҳозирги кундаги аҳволи чуқур таҳлил этилиб, унинг орбў-эътиборини кучайтириш билан боғлиқ вазифалар хусусида келишиб олинди. Шу билан биргаликда партия ишларини жонлантиришда жойларда тўпланган бой тажрибаларни кенг оммалаштириш, вилоят, туман, шаҳар партия Кенгашларининг фаолиятини тубдан яхшилаш хусусида мулоҳазалар билдирилди. Шу йилнинг 13 октябрида бўлиб ўтадиган навбатдаги Пленумда мана шу масалалар атрофлича муҳокама этилиб, келгусида қилинадиган ишлар пухта белгилаб олинади.

Партия Сиёсий Кенгаши котибиятининг йиғилишида партиянинг навбатдаги X Пленуми муҳокамасига киритилган масалалар кўриб чиқилди, ташкилий ишлар хусусида мутасаддиларнинг ахборотлари тингланди.

Йиғилишда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг иккинчи котиби Абдували Ғуломмаҳмудов иштирок этди.

Ўз мухбиримиз.

БИЛДИРИШ

1998 йил 13 октябрь куни соат 14.00 да Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг навбатдаги X Пленуми бўлади.

Пленум ишига Тошкент шаҳри ва барча вилоятлар партия Кенгашларининг биринчи ва иккинчи котиблари, Сиёсий Кенгаш аъзолари таклиф этилади. Пленум ишида қатнашиш шарт.

МАНЗИЛ: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Ҳамза кўчаси, 103-уй, 1-ТошМИ (эски ТошМИ)нинг 1-Мажлислар зали.
МАЪЛУМОТ учун телефонлар: 67-63-05, 67-74-95.

«ҚУВА» ҚАНДОЛАТИНИНГ ЭРТАСИ БОРМИ?

«Адолат»га жавоб берадилар

(«Адолат» газетаси, 1998 йил 12 июнь, № 23).

Мазкур сарлавҳа остида берилган танқидий мақолада катта меҳнат ва куч ғайратлар ҳисобига 1994 йилда қурилиб ишга туширилган Қува қандолат комбинатида юзага келган муаммолар хусусида фикр юритилиб, корхонанинг истиқболи билан боғлиқ муллоҳазалар кўпчилик ташкилотларнинг эътиборига ҳавола этилган эди. Мақола юзасидан қатор ташкилотлардан олинган жавобларни биз илгариги сонларда ёритган эдик. Қуйидаги жавоблар ҳам шу мақолада кўтарилган муаммоларни қандай ҳал этиш билан боғлиқ масалаларга қаратилган.

«Адолат» газетасида ёритилган «Қува қандолатининг эртаси борми?» сарлавҳали танқидий мақола туман ҳокимлиги томонидан тегишли мутасадди ўртоқлар иштирокида атрофлича ўрганиб чиқилди. Текширув натижалари комбинат раҳбари, мутахассислари ва ишчилар иштирокида кенг муҳокама этилди.

Бугунги кунда қандолат комбинати 8,2 минг тонна қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга.

Аммо бугунги иқтисодий шароитда комбинатда хомашё билан таъминлаш борасида бир қатор муаммолар мавжудлиги, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни замон талабида қадоқлаш дастгоҳлари йўқлиги, ўров қоғозларининг етишмаслиги, шакар ва бошқа хом ашё маҳсулотларининг фақат эркин валютада сотиб олиш мумкинлиги сабабли комбинат тўла қувват билан ишлаш имконига эга эмас.

Юзага келган шароитда харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўли билан комбинатни инқироздан чиқариш мақсадида ушбу корхона раҳбари ва мутахассислари томонидан чет эллардан янги технологик линиялар олиб келиб ўрнатиш бўйича тегишли ишлар олиб борилмоқда.

Бундан ташқари чет элдан валютага сотиб олиб келтириладиган ўров қоғозлари ҳамда қадоқлаш материалларини ўзимизда ишлаб чиқарадиган Республикада ягона литография комбинатини қуриш ва уни 2000 йилгача ишга туширишмақсадида инвестиция лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Олмониянинг жиҳозлар етказиб берувчи заводлари билан контрактлар тузиш юзасидан тегишли ишлар олиб борилмоқда.

Қува қандолат ишлаб чиқариш комбинати жамоасининг мақсади аниқ режа асосида иш олиб бориб, жорий йилни яхши меҳнат кўрсаткичлари билан якунлашга қаратилгандир.

Муҳаммаджон НОСИРОВ,
Қува туман ҳокими.

* * *

«Қува қандолатининг эртаси борми?» сарлавҳали танқидий мақола атрофлича муҳокама қилинди.

Бугунги кунда корхона йилига 8,2 минг тонна қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга. Аммо ҳозирги иқтисодий шароитда комбинатни хомашё билан таъминлаш борасида бир қатор муаммолар мавжудлиги, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни замон талаби асосида қадоқлаш учун дастгоҳлари йўқлиги, ўров қоғозларининг етишмаслиги, шакар ва бошқа хом ашё маҳсулотларининг фақат эркин валютада сотиб олиш мумкинлиги сабали корхонани тўла қувват билан ишлатиш имконияти бўлмаяпти.

Харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўли билан комбинатни инқироздан чиқариш мақсадида корхона мутахассислари томонидан чет эллардан янги технологик линиялар олиб келиш ва ўрнатиш бўйича тегишли ишлар олиб борилмоқда. Бундан ташқари чет элдан валютага сотиб олиб келтирилган ўров қоғозлари ҳамда қадоқлаш материаллари ишлаб чиқарадиган Республикада ягона литография комбинатини қуриш ва уни 2000 йилгача ишга туширишмақсадида инвестиция лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Олмониянинг жиҳозлар етказиб берувчи заводлари билан контрактлар тузиш юзасидан тегишли ишлар олиб борилмоқда. Четга маҳсулот чиқариш ва чет эл сармояларини олиб келиш мақсадида Қирғизистон Республикасининг Ош шаҳрида савдо уйи очилиб, шу кунларда дастлабки маҳсулотни Ош шаҳрига экспортга чиқариш ишлари амалга оширилмоқда ва бунинг эвазига Қирғизистон Республикасидан хом-ашё бўлган «патока» ҳамда шакар маҳсулотлари олиб келиш учун чоралар кўрилмоқда.

Камолиддин САЛОҲИДДИНОВ,
Фарғона вилояти ҳокимининг ўринбосари.

«Обуна-99»

«АДОЛАТ» ҲАМРОҲИМ БЎЛСИН ДЕСАНГИЗ...

1998 йилнинг 15 сентябридан бошлаб республикамизнинг барча «Матбуот уюшмаси» жамиятларида ва алоқа бўлимларида «Адолат» ижтимоий-сиёсий газетасига 1999 йил учун обуна бошланди.

Обуна баҳосини эътиборингизга ҳавола қиламиз:
Ташкилотлар учун: 12 ойга — 2220 сўм
6 ойга — 1110 сўм.
3 ойга — 555 сўм.
1 ойга — 185 сўм.
Нашр кўрсаткичи: 101.
Якка тартибдаги обуначилар учун: 12 ойга — 2220 сўм.
6 ойга — 1110 сўм.
3 ойга — 555 сўм.
1 ойга — 185 сўм.
Нашр кўрсаткичи 100.
ЭСЛАТМА:
Вилоятлардаги обуначиларга газета етказиб бериш учун кўрсатилган обуна нархи бир мунча ошиши мумкин.
«Адолат» ҳамиша ҳамроҳим ва суянчиғим бўлсин десангиз, унга обуна бўлинг!

«Обуна-99»

ТЎҒРИЛИК, ТЎҒРИСЎЗЛИК

Тил — чақмоқтош, сўз — учқун, эҳтиёт бўл, нотиқ, тилингдан ёнғин чиқиб кетмасин.
Э. КАПИЕВ.

Ёлғизоёқ йўл албатта бирорта катта кўчага олиб чиққанидек, инсон ҳам ҳаётда тўғри йўлни танлай олса, шу йўлдан бориб албатта эзгу мақсадига эришади, ниятига етади.

Бир донишманд шундай деган экан: «Агар тўғри юриб, тўғри турсанг, ҳалолпок яшасанг, юз ёшни сенга Аллоҳ ўзи ато этади. Ҳаёт сўқмоқлари нотекис, баланд-пастликлари кўп, ўртада шайтон бор. Қоқилиб кетиб йиқилсанг, манзилга етишга йўл бўлсин. Юзга етмай қулаб кетишимизнинг боиси ҳам шунда».

«Тўғри, одамни ўлдириш мумкин, аммо уни енгиб бўлмайди», деганда Э. Хэмингуэй ҳақ эди. Тўғри одамни синдириб бўлмайди. Ҳа, тўғри сўзлик аломати эмас. Айтайлик, бемор кўргани кирдингиз, аҳволи оғир. «Энди бандалик, учтўрт кунлик умрингиз қолибди», денгчи! Хўп, бу беморнинг ҳақиқатдан ҳам умри тугаган дейлик, лекин тўғри сўзман деб, чипқоннинг устига чиқиб тепиш одобдан эмас-да. Баъзан яқин кишинг, «Намунча рангингиз оқариб кетибди, касалмисиз?» деб кўнгил сўрагандек бўлади. Оқибатда соғ одам касал бўлиб қолади.

Мирзо Турсунзода Самарқандда ёшлар билан суҳбат ўтказганда, унга: «Ёлғон гапириш мумкинми?» деган савол беришганда, «Агар рост гапириш маълум шароитда оилангиз бузилишига олиб келса, унақа тўғрилик кимга керак? Бундай шароитда оила, дўстлик, манфаатлари учун уддабуронлик қилган маъқул», деб жавоб берганди.

Энг муҳими, ширинсуханлик керак. Тилга эътибор — элга эътибор. Айтилган сўз — отилган ўқ. Ўйнаб сўйласанг ҳам, ўйлаб сўйла, деган нақллар бор. Демак, тилга алоҳида эътибор зарур. Масалан, таом қозонда маромига етиб қайнагач, сўнг пишади. Мабодо у чала пишса ҳам бўлмайди, ҳатто қорнинни оғритади. Худди шу каби обдан ўйламасдан айтилган сўз ҳам кўнгилни ғаш қилади, одамлар орасига рахна солади.

Ҳа, ширин сўз — дил ороми, жон озиғи. Яхши сўздан иймон сув ичади. Шифохонада ётиб анча даволаниб ишга чиққанингизда ҳамкасбларингиз «кўринишингиз аъло, дарддан бутунлай фориғ бўлибсиз, оилангизнинг бахтига энди касал бўлманг», дейишса кўнглингиз ёришиб, руҳингиз кўтарилиб кетади. Борди-ю, бир сўхтаси совуқ рўпарангиздан чиқиб: «Вой-бў, адойи тамом бўпсан-ку, биродар, сени танимай қолишимга сал қолипти-ку», деса, борми, худди илон чаққандек азобланасан киши. Шу боис тилга алоҳида эътибор билан қараб, инсон кўнглини беҳуда ранжитиб қўймаслик учун сўҳбатда ўта ҳушёрлик билан муомала қилмоқлик ҳам тўғрилик, тўғрисўзлик сифатидир.

Аллоҳ инсонни тўғри бўлишга чақиради. Аммо тўғри бўлишлик ўт билан ўйнашмоқ демакдир. Унинг ташвиши, машаққати, азоб-уқубати чексиз. Лекин хайрли томони мил-мил. Тўғри, бўлсанг, Аллоҳнинг ҳам, банданинг ҳам олдида юзинг ёруғ, виждонинг пок бўлади. Бас, шундай экан, ўзимиз тўғри юриб, тўғри туришга, тилимизни тўғри сўзлашга, қалбимизни эса тўғри йўлга солишга ҳаракат қилаверайлик, Зеро инсонни фақат тўғрилик, эзгулик, бахт-иқбол сари етаклай олади ва пировардида муродига етказади.

Байт:
ТИЛИНГНИ СЎЗЛАШГА СОЗ, МУҲАЙЁ ҚИЛ,
ТИЛИНГНИ ЎҚ ҚИЛУ АҚЛНИ Ё ҚИЛ.

Жўрахон САЙЙИД.

● Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев парламентга катта ваколатлар бериш мақсадида мамлакат Конституциясига бир қатор ўзгартишлар киритиш таклифини илгари сурди.

● Европа Иттифоқи мамлакатлари қишлоқ хўжалиги вазирлари Россия аҳолисига озиқ-овқат ёрдами кўрсатишга тайёрдирлар. Бироқ, бунинг учун аввало истеъмол имкониятлари янада чуқурроқ таҳлил қилиниши, шунингдек, Россия ҳукуматининг амалий талаби бўлиши керак.

● Афғонистон ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Абдулла БМТ Бош ассамблеяси сессиясида сўзга чиқиб, толибларга қарши коалиция номидан зудлик билан ва ҳеч қандай шарт қўймасдан афғонлараро мулоқотни бошлаш зарурлигини таклиф этди.

● Россия Президенти Борис Ельцин Германиянинг янги сайланган канцлери Герхард Шредер билан сим орқали мулоқот ўтказди. Икки раҳбар яқин келажакда Москвада учрашишга қарор қилишди.

● Кеча Душанбе марказида, ички ишлар бошқармасининг биносида қўлбола қурилма портлади. Бахтли тасодиф туфайли ҳеч ким жароҳатланмади.

● Германия канцлери Герхард Шредер бир кунлик ташриф билан Парижга келди. Франция Президенти Ж. Ширак ва Бош вазири Л. Жоспен билан бўлган мулоқотлар чоғида ГФРнинг Франция билан мустаҳкам ҳамкорлик йўлини сақлаб қолишини таъкидлади.

● Болгария Президенти П. Стоянов ташриф билан Нидерландияга келди.

● Эрон Афғонистон билан чегараларда кенг қўламдаги ҳарбий машқларининг иккинчи навбатини бошлади.

● Чеченистон Президенти Аслан Масхадов биринчи бор оммавий равишда ваҳҳобийликни қоралади. У диндорлар ва маҳаллий ҳокимият органлари вакилларининг съездида Саудия Арабистонидаги айрим кимсалар исломга ёт бўлган ғояларни сингдираётганлигини танқид остига олди.

● Эртага Латвияда умумий сайловлар ва фуқаролик тўғрисидаги қонунга ўзгартишлар киритиш бўйича референдум ўтказилиши керак.

● АҚШ яқин уч йил ичида юқори малакали компьютер техникаси мутахассисларига визалар беришни икки баробарга ошириш ҳақида эълон қилди. Талабни қондириш учун Американинг компьютер фирмаларига қисқа муддат ичида 300 минг компьютерчи ва дастурчи зарур.

● Хевронда исроиллик аскарлар тушган машинага улоқтирилган иккита гранатанинг портлаши оқибатида машина ёнидан ўтаётган исроилликлар ҳам, фаластинликлар ҳам жароҳат олишди.

● Эртага Австралияда сайловлар ўтказилиши белгиланган. Унинг натижаларига кўра янги ҳукумат тузилади.

● Бельгия кўчаларидан бири.

Наманган вилоятидаги «Ғайрат» жамоа хўжалигида бу йил 689 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 36 центнердан пахта етиштириш кўзланмоқда. Кўпчилик тажрибали пахтакорлар қатори ижарачи Ўрмонжон Маматхонов бошчилигидаги ижара пудрати аъзолари ҳам кўзланган маррани эгалланишига ҳозирдан пухта замин ҳозирлашяпти.

СУРАТЛАРДА: Ижарачи Ўрмонжон Маматхонов; теримчи Мадина Ражабова ва Буви Рўзвон Ҳасановалар мавсумда пешқадамлик қилишмоқда.

Турғун МАҲКАМОВ олган суратлар.

Устоз—отангдан улуғ

МУАЛЛИМ

Хатифа Сайфиддинова Баҳористон туманидаги Чандир қишлоғида истиқомат қилади. Бир неча фарзандни тарбиялаб, айни пайтда кексалик гаштини сураётган бу мўътабар онахон яқинда 85 ёшни қаршилади. Онахон қарийб 50 йилдан ортиқ Чандир қишлоғида муаллимлик қилиб кўплаб шогирдлар етиштирди. Унинг собиқ ўқувчилари ҳозир жамиятимизда ўз ўрнини топишган. 30 дан ортиқ неваранинг севимли момоси бўлган Хатифа момо ҳамон тетик. У мустақиллигимизга шукроналар айтиб, юртимизнинг доимо осойишта бўлишини тилайди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг ҳаққига дуо айлаб, доимо соғ-омон бўлишини яратгандан сўрайди.

— Юртимизнинг тинчлигини сақлаб турган юртбошимизнинг умрлари узоқ бўлсин, — дея дуога қўл очади момо. — Президентимизнинг қишлоқларни табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлаш ҳақидаги Фармонидан сўнг 8 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган қишлоғимизга табиий газ ўтказилди. Ҳозир бу қулайликдан ҳаммамиз бахраманд бўлаяпмиз.

Қаршидаги «Қурувчи» жамоа бирлашмасига қарашли Рўзимурот Шозотов раҳбарлик қилаётган корхона қурувчилари Чандир қишлоғига табиий газ қувурлари ўтказишиб, мустақилликнинг 7 йиллиги арафасида яна 200 дан ортиқ хонадонни «зангори олов»дан баҳраманд айлашди.

— Кўп йиллар ўчоқда олов ёқиб, қумғонда чой қайнатиб келган халқимизнинг бугунги кунда табиий газдан фойдаланиб ҳузур қилаётганига нима етсин! — дейди момо фахр билан. — Бир пиёла кўк чой ичиб, хордиғингиз чиқади.

Шавкат СУЛТОНОВ.

Адолат тарозиси

БЕМАВРИД ТАШРИФ

ёки Самарқанд шаҳар ҳокимлигига шикоят билан келган 1-гуруҳ ногиронини безорига чиқариб, милициянинг қўлига топшириш кимга керак бўлиб қолди?

Қуёшни, оламнинг ёруғ рангларини кўриш бахтидан бенасиб инсон уйжой масаласини ҳал қилиб беришларини сўраб беш йилдан буён идорама-идора қатнайди. Шу вақт мобайнида унинг турли нуфузли ташкилотлар билан ёзишмаларини бир ойга тўпласа катта китоб бўлади.

Шикоятга келган жавобларнинг мазмуни эса деярли бир хил: «Сизнинг аризангизда кўрсатилган камчиликни тугатиш фалон ташкилотга юклатилди. Қонуний талабингизни ҳал қилиб уй-жой билан таъминлаш фалон ойга белгиланди...» ва ҳоказо.

Бироқ ҳар сафар беш кишилик оила бошлиғининг талабини қондириш, унинг қонун билан кафолатланган фуқаролик ҳуқуқини эътиборга олиш кечиктирилмоқда. Ўтган йилнинг ёз ойида рўй берган нохуш воқеадан сўнг вазият чигаллашиб, юқори идораларга, рўзномалар таҳририятига янги шикоятлар ёғила бошланди.

1-гуруҳ ногирони Истам Ҳожимамедов оиласи билан вақтинча яшаб турган Самарқанд шаҳрининг Охунбобоев кўчасидаги 56-уй «Сувоқава» идорасининг айби билан сувга бостирилгач, эски иморат тағин ҳам нураб, кириш-чиқиш учун хавфли бўлиб қолди. Ҳожимамедовнинг шаҳар ҳокимлигига мурожаатидан сўнг тузилган комиссия уйнинг ҳолатини синчиклаб текшириб чиққандек бўлди ва шикоятчи янги жавоб хатини олди. Мана унинг матни:

«Шаҳар қурилишининг бош режасига асосан Охунбобоев кўчасидаги уй-жойлар икки йил ичида бузилади. Шу сабабли сизни бошқа уйга кўчириш масаласи ўша вақтда (?!) кўриб чиқилади.

Шаҳар ҳокимининг топшириғига асосан ҳозирги кунда сиз яшаб турган уйни таъмирлаш вилоят «Сувоқава» бошқармаси зиммасига юклатилган. Таъмирлаш ишларининг бажарилишини назорат қилиш шаҳар ҳокимияти коммунал бўлими томонидан назоратга олинган.

Самарқанд шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ш. ҲОТАМОВ».

Вилоят «Сувоқава» бошқармаси вакиллари А. Ҳамидов, А. Бўтаев ва Ш. Қўчқоровдан иборат комиссия эса 56-уйнинг ҳолатини такрор кўздан кечириб қуйидаги хулосага келди:

«... Қайта таъмирлаш мақсадга мувофиқ эмас. Иморат яшаш учун хавфли».

Фақат «Сувоқава» бошқармасигина эмас, шаҳардаги 5-РЭУ, санитария-эпидемиология станцияси раҳбариятининг имзоси қўйилган актда ҳам шу хулоса таъкидланади: бинони таъмирлашнинг иложи қолмаганлиги сабабли унда яшаш хавфли!

Ана энди қиш қиличини яланғочлаб келаётган бир пайтда шикоятчи бошини қайси деворга уришини билолмай хуноб бўлганини тасаввур қилаверинг. Шаҳар ҳокимлиги Охунбобоев кўчасидаги турар жойлар икки йил ичида бузилгунча янги уй масаласи ҳал этилмаслигини маълум қилса, «Сувоқова» бошқармасидагилар шикастланган эски иморатни таъмирлашнинг иложи йўқ, дейишади. Нима қилиш керак?

Ҳожимамедов яна шаҳар ҳокимининг муовини Шароф Ҳотамовга ёрдам сўраб мурожаат қилмоқчи бўлди. Тўнғич ўғлининг етагида ҳокимиятга кириб келганида қабулхона йўлагида одамлар кўплигини сезди. Улар орасида ҳоким муовинини овозидан таниб «Ҳотамов» дея сўз бошламоқчи эди, муовин жеркиб ташлади:

— Ҳотамов эмас, Шароф Ҳотамович бўламан!

— Исмингизни унутиб қўйганим учун узр, — деди бечора шикоятчи нурсиз кўзлари билан суҳбатдошини кидириб. — Мақсадим сизни хафа қилиш эмасди. Ёрдам сўраб келгандим, ҳалиги уй масаласида.

Назарида ҳоким муовини уни эшитмай узоқлашаётгандек туюлди-ю, овозини бироз баландлатиб гапирди. Муовин эса худди шуни пойлаб тургандек, «жанжал чиқаришга уринманг, бу ер ҳокимият, ҳушингизни жойига тушириб қўямиз», дея пўписа қилишга ўтди. Сўнгра кўзи ожизнинг овозини эшиттирмаслик учун туртиб-суртиб бўш хонага олиб киришди. Бу ердан эса милиция навбатчисига қўнғироқ қилиб «безорини» олиб кетишни тайинлашди.

3-Милиция бўлинмасида шикоятчини уч соат сақлаб туришди. Айби йўқлигини аниқлашгач, қоронғи тушганда қўйиб юборишди. Бу орада Ҳожимамедов безори эмаслигини исботламоқчи бўлиб қанчалик фиғони чиқмади, асаблари зор-зор қақшамади, дейсиз... Адолат ва ёрдам сўраб борган жойида адолатсизликка дуч келса-я?!

— Ҳайронман, айрим раҳбарлар одамлар тақдирини ўз билганларича ҳал қилишга бунчалик ўч бўлишмаса, — дейди куйиб-ёниб Ҳожимамедов. — Безорилик қилган бўлсам, нега ҳоким муовини ёзма арзни эп кўрмади. Далолатнома тўлғизишмади. Битта қўнғироқ билан милицияга судраб кетишди. Қўнғироқ ҳуқуқи қоундан ҳам кучлими?

Шаҳар ҳокимиятидаги жанобларнинг назарида аллақачон «ноқулай одам»га айланиб қолган 1-гуруҳ ногирони Истам Ҳожимамедов бўлиб ўтган воқеадан сўнг адолатни қарор топтиришга ёлғиз ўзи қаттиқ киришган. Энди у уй-жой масаласи билан бирга фуқаролик ҳуқуқи камситилганлиги хусусида аризалар битмоқда. Бу орада Самарқанд шаҳар ҳокимлиги шикоятчига ён босгандек бўлди. Яъни унга шаҳарнинг Али Қушчи кўчасидаги 9 қаватли уйнинг 7-қаватидан (кўзи ожизлар оиласига 7-қават?) 2 хонали уй ажратишга қарор қилди.

— Бироқ бу уйда ҳам яшаш оғир, — дейди Ҳожимамедов. — Сабаби, биз учун баланд, ҳам узоқ вақт қаровсиз қолганидан уй жиҳозларини бировлар ташиб кетишган. Хонани қайта таъмирлашга қурбимиз етмайди...

Алқисса, Истам Ҳожимамедовнинг аччиқ саргузаштларига бугун ҳам нуқта қўйилган эмас. Хўш, оддий фуқаронинг қонуний талабини ким ҳал қилади? Қадр-қимматини ким ўрнига қўяди?

Самарқанд шаҳар ҳокими Азиз Носировнинг бу масалага муносабати очиғи, биз учун кутилмаган бўлиб чиқди.

— Ҳожимамедовни ёқлашингиздан фойда йўқ. Биз унга кўп яхшилик қилганмиз. Лекин бари бир ёзишдан чарчамаяпти. Ҳокимият у талаб қилаётган 3 ёки 4 хонали уйни беролмайди. Бундай уй қуриш учун бюджетда маблағ етишмайди. Башарти раҳмингиз келаётган бўлса, марҳамат, биргалашиб ҳашар қилайлик, лой қорайлик...

Жаноб ҳокимнинг кесатиғи бемаврид эди. Журналистнинг вазифаси — газетага йўлланган шикоят бўйича лой тепиб, уй қуриш бўлса, ҳоким, ҳоким ўринбосарлари нима билан шуғулланишади? Ҳимояга муҳтож, адолат истаган кишиларнинг дардига ким малҳам бўлади? Ўрни келганда шуни айтиш лозимки, Ҳожимамедовнинг шикояти вилоят матбуотида, телевидениеда такрор-такрор ёритилган. Аммо ҳокимлик матбуот аралашувига бефарқ қараб, масалани шикоятчи фойдасига ҳал қилишни пайсалга солаяпти.

Биз битта воқеа мисолида фуқароларнинг ариза ва шикоятлари билан шуғулланиш шаҳар ҳокимлигида ўз ижросини топмаяпти демоқчи эмасмиз. Бироқ...

Ҳуқуқий жамиятда фуқароларнинг давлат идоралари билан муносабатлари ўзаро ишонч ва ҳурмат, ижтимоий адолат асосида қурилиши лозимлигини, ҳар битта мурожаат қонун доирасида ҳал қилиниши зарурлигини эслатиб қўймоқчимиз холос. Ҳокимлар халқ дардини тингламаса, уни оғирини енгил қилмаса, ким қилади, ахир?!.

Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ,
«Адолат»нинг ўз мухбири.

«Адолат»га жавоб берадилар

«ШИРИНДА ЮЗ БЕРГАН ЖУМБОҚЛИ ЎЛИМ»

(«Адолат» газетаси, 1998 йил 25 июль, № 29)

Бир шикоят бўйича ўрганилиб ёзилган мазкур мақолада Сирдарё вилоятининг Ширин шаҳридаги тиббий-санитария қисмининг туғруқхонасида юз берган мудҳиш воқеа — ёш келинчак Барно Авазованинг фожиали ўлими билан боғлиқ воқеалар атрофлича кўрсатиб ўтилганди ва тиббиёт ходимларининг хато камчиликлари танқид этилганди. Қуйида ушбу мақола юзасидан тегишли ташкилотлардан олинган яна иккита жавоб билан танишасиз.

«Адолат» рўзномасида эълон қилинган «Ширинда юз берган жумбоқли ўлим» сарлавҳали танқидий мақола асосида текшириш ташкил қилиниб қуйидагилар аниқланди:

Ширин шаҳар тиббий санитария қисмининг туғруқхона бўлими мудири Р. Жўраева касби юзасидан ўз вазифасини лозим даражада бажармай, бемор Б. Авазовани оғир аҳволда бўлганлигини била туриб, етарли даражада тиббий ёрдам кўрсатмасдан, ўз касбига нисбатан бепарво муносабатда бўлиб, шу куни навбатчи бўлишига қарамасдан уйига кетиб қолади. Натижада бемор Б. Авазованинг ўлимига бевосита сабабчи бўлади.

Ушбу ҳолат юзасидан Ширин шаҳар прокурори К. Одилов томонидан 1997 йил 1 августда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 116-моддаси 3-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилган. Жиноят иши 24.09.97 йилдаги тергов ҳаракатлари тугалланиб, Р. Жўраева Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 116-моддаси 3-қиси (касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик) билан айбланиб судга берилган.

Ширин шаҳар судининг 1997 йил 31 сентябрдаги ҳукмига кўра судланувчи Жўраева Ражабмо Темировна Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 116-моддаси 3-қисми (касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик) билан айбли деб топилиб, 3 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 72-моддаси қўлланилиб ҳукм шартли деб ҳисобланиб, 3 йил синов муддати белгиланган. Вилоят суди Раёсатининг 1997 йил 30 декабрда чиқарган хусусий қарорига асосан Р. Жўраева врачлик фаолияти билан боғлиқ бўлган ишларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилди.

Ширин шаҳар тббий-санитария қисми бошлиги Н. Қиргизбоевнинг 05.06.97 йил 10-сонли буйруғига асосан Р. Жўраева эгаллаб турган вазифасидан озод этилган,

Маҳкум Р. Жўраеванинг иши ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Олий судига юборилган.

Ф. РАҲИМОВ,
Сирдарё вилояти прокурори, 3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси.

* * *

Сирдарё вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси сизга шуни маълум қиладики, «Ширинда юз берган жумбоқли ўлим» мақоласи бўйича ишчи гуруҳ тузиб, қайта текширув ишлари олиб борди.

Ишчи гуруҳига вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлигининг Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича муовини Т. Плеханова, бошқарма Бош аккушер-гинекологи Р. Бегимқулова, Бош терапевт Т. Хўжамуродовалар бириктирилди. Текширув давомида ишчи гуруҳига республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҳам қуйидаги гуруҳи қўшилди:

1. Н. Туреева — республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш Бош бошқармасининг бошлиғи.

2. И. Дудкина — Соғлиқни сақлаш вазирлигининг юристи.

Текширув гуруҳи Ширин шаҳрида 2 кун давомида иш олиб борди, мақолада келтирилган далиллар ўрганиб чиқилди. Авазова Барнонинг касаллик тарихи ўрганиб чиқилганда, шу нарса маълум бўлдики, ҳақиқатдан ҳам Ширин шаҳар тиббий-санитария қисми шифокорлари томонидан беморнинг аҳволига тўғри баҳо берилмаганлиги, шифокорларнинг билим савиясининг пастлиги натсижасида кўрсатилган даволаш ҳамда текшириш амаллари етарли даражада бўлмаганлиги, беморнинг ўта оғирлигига қарамай навбатчи шифокор, туғруқ бўлимининг бошлиғи Р. Жўраева томонидан бошқа малакали мутахассислар иштирокида консилиум ўтказилмаганлиги ва беморнинг реанимация бўлимига ётқизилмаганлиги маълум бўлди. Бундан ташқари шу куни ҳақиқатан ҳам навбатчи шифокор Р. Жўраева бемор шифохонага ётқизилган пайтда ўз хизмат вазифасида бўлмаган. Ушбу воқеа бир неча марта Ширин шаҳар тиббий-санитария қисми тиббиёт ходимлари ўртасида муҳокама қилиниб, камчиликларга йўл қўйган тиббиёт ходимлари шифохонанинг 1997 йил 5 июнь 40/1 сонли буйруғига асосан маъмурий жазо олдилар. 1997 йилнинг 1 июнь куни шифохонада навбатчи бўлган аккушер-гинеколог Р. Жўраева эса 1997 йил 31 октябрда Сирдарё вилояти суди қарори билан шартли равишда уч йилга озодликдан маҳрум қилиниб, унга уч йил синов муддати белгиланди.

Ҳозирги кунда Авезова Барнонинг ўлимига тааллуқли бўлган бутун ҳужжатлар қайта кўриб чиқиш мақсадида Сирдарё вилояти суди томонидан 1998 йилнинг 3 августидан Олий судга оширилган.

Комиссия иши жараёнида Р. Жўраева Ширин шаҳар тиббий-санитария қисмининг 14 август 1998 йил 54-сонли буйруғига биноан ГРЭСнинг қишлоқ врачлик амбулаториясига ишга ўтказилди ва мазкур йилнинг 4 чорагида билан савиясини ошириш учун Тошкент врачлар малака ошириш институтига юборилади.

Комиссия аъзолари Авазова Барнонинг отаонаси ва қариндошлари билан суҳбат ўтказдилар, ҳамда уларни қизиқтирган барча саволларига жавоб бердилар.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан бугунги кунда Ширин шаҳрида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, уларга тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш борасида қатъий назорат олиб бормоқда.

Т. БЎРОНОВ,
Сирдарё вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи.

ЎзТВ

ДУШАНБА, 5

ЎзТВ-I
«Ўзбекистон» телеканали

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00–8.40 «Тахлилнома».
8.40 Лирик тароналар.
9.05 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.30 «Жаҳон спорти».
9.40 «Кишлоқ ҳақида ўйлар».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Кино янгиликлари.
10.20 Жаҳон киноси юлдузлари.
10.40 Кундузги сеанс. «Бор экан-да, йўқ экан...». Бадиий фильм.
12.05 «Олтин тож». Телеўйин.
12.30 Ўзбекистон телерадиокомпанияси дуторчилар ансамблининг концерти.
13.00–14.00 «Олтин дала». Пахтакорлар учун ахборот-мусиқий кўрсатув.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Қадами нақш». Мультфильм.
18.20 «Милоддан илгари: Ёрқўрғон қалъаси». 1-қисм.
18.40 «Олам ва одам».
18.55 «Суғдиёна» камер оркестрининг концерти.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 «Окшом эртаклари».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Иқтисод алифбоси».
21.25 «Созимда диёр мадҳи». Мусиқий дастур.
22.00 «Сиёсат оламида».
22.20 Диққат, премьера: М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 47-кўй.
23.00 «Ахборот».
23.30 «Теннис-клуб».
00.10–00.15 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II
YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади (Янгиликлар, «Ким эпчилу, ким чаққон», Мульттомоша).
18.45 «Сурур». Мусиқий дастур.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.20 «Ақл ёшдамас».
19.35, 20.25, 22.20 — Эълонлар.
19.40 «Морена Клара». Телесериал. (Венесуэла).
20.30 «Жаҳон». Халқаро шарҳ.
20.50 Ешлар наволари.
21.00 «Худуд». Жиззах вилоятидан тайёрланган.
21.25 «Нигоҳ».
21.40 Араб эстрадаси.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.25 Синема. «Регтайм». 1–2-қисмлар.
00.35 Спорт қитъаси.
01.05 Хайрли тун!

ЎзТВ-III
TTV

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Тошкент вақти». Информацион кўрсатув.
18.05 Болалар учун. «Эя ва унинг дўстлари ҳузурида».
18.30 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.10 Телефакт.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Сен ҳақингда ва сен учун».
20.15 ТТВ — Мюзик.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Таггерт». Телесериал.
21.55 «Очиқ дарс».
22.15 Оҳанглар ва эълонлар.
22.25 Саргузашт фильмлар экрани.
23.55 «Дарвоқе...». Ҳажвий кўрсатув.
00.20 Телефакт.
00.35 Ҳужжатли экран.
01.05 «Тошкент вақти». Информацион кўрсатув.
01.10 Спорт-тайм.
01.40 «Хайрли тун, шаҳрим!».

ЎзТВ-IV
«Халқаро» телеканали

16.40 Кўрсатувлар тартиби.
16.45 Янгиликлар.
16.50 «Мультсайёра».
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси
18.45 «Кўзмунчоқ».
Россия жамоат телевидениеси.
18.55 Милиция сериали. «Синган чироқлар кўчаси».
20.00 «Время».
20.35 «Муҳаббат тарихи» Телесериал.
21.20 «Бугун оламда...». Ахборот кўрсатуви.
21.30 «Вақт хазинасидан».
21.45 «Ҳосилингизга барака».
22.00 «Вести».
22.35 Кинематограф: «Ўч». Комедия. Бош ролда Анни Жирардо (Франция).
00.10 «Шлягер».
00.25 «Сиз учун».
00.45 «Ахборот» (рус тилида).
01.10 Тунги сеанс: «Кулги ишкибозлари» (АҚШ).
02.40–02.45 Тунингиз осуда бўлсин!

СЕШАНБА, 6

ЎзТВ-I
«Ўзбекистон» телеканали

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00–8.30 «Ахборот».
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Наво таралсин». Мусиқий дастур.
9.10 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Тошлар тилга кирганда».
9.20 М.Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 47-кўй.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Янги алифбони урганамиз.
10.35 «Созга солдим Алломинни».
11.00 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
11.40 «Талаба ва таклиф».
12.05 «Санъат олами».
12.25–14.00 Кундузги сеанс. «Бошқача ҳаёт». Бадиий фильм.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Санъат гунчалари».
18.30 «Милоддан илгари: Ёрқўрғон қалъаси». 2-қисм.
18.50 «Экран куйлари». Киноконцерт.
19.10 «Бой бўлишни истайсизми?».
19.25, 19.55, 20.25, 21.10, 22.10, 22.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Ранглар жилоси».
20.10 «Окшом эртаклари».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ахли ер ўлсайди...». Очилхон Отахонов.
21.40 «Акс садо».
22.15 Диққат, премьера: М.Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 48-кўй.
23.00 «Ўзлигинг намоён қил». Экранда — Қашқадарё вилояти.
23.40 «Ахборот».
00.10–00.15 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II
YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади (Янгиликлар, «Кувноқ учрашув», Мульттомоша).
18.45 «Ешлик бебошлик-ми?» криминал хроникаси.
18.55 Мусиқий лаҳзалар.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.20 Ғазал соғинчи.
19.35, 20.25, 22.20 — Эълонлар.
19.40 «Морена Клара». Телесериал.
20.30 Сиз севган хонанда Шуҳрат Воҳидов.
20.45 «Ғамгаи ёзувлар».
21.05 «Болливудга нигоҳ».
21.25 «Ешлар ва спорт».
21.40 Шарқ эстрадаси.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.25 Синема. «Қайта улимга маҳкум этмаслик». Спорт қитъаси.
00.25 Хайрли тун!

ЎзТВ-III
TTV

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Тошкент вақти». Информацион кўрсатув.
18.05 Болалар учун. «Энди эртак бошланади».
18.30 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.20 Мусиқий лаҳзалар.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Туризм ҳақида».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Таггерт». Телесериал.
21.55 «Бу дҳаз». Мусиқий кўрсатув.
22.15 «Бешинчи ўлчов».
22.35 «Молт ва Фил». Мультсериал.
23.00 «Тошкент вақти». Информацион кўрсатув.
23.05 Оҳанглар ва эълонлар.
23.15 Тунги сеанс.
00.55 «Хайрли тун, шаҳрим!».

ЎзТВ-IV
«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00
16.40 Кўрсатувлар тартиби.
16.45 Янгиликлар.
16.50 «Мультсайёра».
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси
18.45 «Менинг кўчам».
Россия жамоат телевидениеси.
18.55 Милиция сериали. «Синган чироқлар кўчаси».
20.00 «Время».
20.35 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
21.20 «5 дақиқа ҳангома».
21.25 «Ҳосил».
21.40 «Подиум».
22.00 «Вести».
22.35 Кинематограф: Жеки Чан «Полициядаги ходиса» фильмида.
24.00 «Ёнғалиқда куйлаймиз» саҳифаларидан.
00.40 Клип-антракт.
00.45 «Ахборот» (рус тилида).
01.10 Тунги сеанс. «Менинг дўстим, сотқиндир». Бош ролларда: Андрей Дюссалье, Валерий Каприски (Франция).
03.05 — 03.10 Тунингиз осуда бўлсин!

ЧОРШАНБА, 7

ЎзТВ-I
«ЎЗБЕКИСТОН» КАНАЛИ

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00–8.30 «Ахборот».
8.30 «Муҳаббат бошимдан кетмасин». Мусиқий дастур.
8.50 «Бармоқлар сехри».
9.05 «Олимпиадачилар оромгоҳида». Спорт дастури.
9.20 М.Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 48-кўй.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Инсон ва замин». Тележурнал.
10.30 Алифбо сабоқлари.
11.00 Акс садо.
11.30 «Шоирлар болаларга».
12.05 «Зиннат».
12.25 «Рақс, рақс, рақс».
12.50–14.00 Кундузги сеанс. «Олтин тоғнинг сири». Бадиий фильм.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Умид учқунлари».
18.30 «Милоддан илгари: Ёрқўрғон қалъаси». 3-қисм.
18.45 «Истеъдод». Абдуқалил Қўқонов.
19.05 «Мулк ва муносабат».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Оқшом эртаклари».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Таянч нуқтаси».
21.25 Санъат устаҳаларининг концерти.
22.00 «Парламент соати».
22.20 «Кинонинг минг бир олами». Кинокўрсатув.
22.40 «Ойдин кечалар». «Кулгитерапия». «Ғазалхон ёшлигим».
«Болалигим сени соғиндим».
23.50 «Ахборот».
00.20 «Сомон йўли».
01.00–01.05 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II
YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади (Янгиликлар, «Жажжи давра», Мульттомоша).
18.40 Спектакдан сўнг.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.20 Ракурс.
19.45 Клип-антракт.
19.55 «Coscom» хабар қилади.
20.00 Спорт-лотто.
20.10 «Лаззат».
20.25, 22.55 — Эълонлар.
20.30 Ринг.
20.50 Мусиқий лаҳзалар.
21.10 «02» тўлқинида.
21.25 Менинг фикрим.
21.40 Сиз севган гуруҳ «Шаҳзод».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.20 Олмонияга саёҳат.
22.40 Хит-коллекция.
23.00 Синема. «Жиноят» (Франция).
00.40 Илдиз.
01.00 Хайрли тун!.

ЎзТВ-III
TTV

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Тошкент вақти». Информацион кўрсатув.
18.05 Мультфильмлар тўплами.
18.35 «Санта–Барбара». Телесериал.
19.20 Мусиқий лаҳзалар.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.20 Екилги оҳанглар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Таггерт». Телесериал.
21.55 «Менинг Тошкентим!».
22.25 «Қўзғу».
22.45 «Ешлар ҳудуди».
23.10 «Тошкент вақти». Информацион кўрсатув.
23.15 Оҳанглар ва эълонлар.
23.25 Видео—«О».
01.05 «Хайрли тун, шаҳрим!»

ЎзТВ-IV
«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси
6.30–8.00
16.40 Кўрсатувлар тартиби.
16.45 Янгиликлар.
16.50 «Мультсайёра».
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси
18.45 «Телешифокор».
Россия жамоат телевидениеси
18.55 Милиция сериали. «Синган чироқлар кўчаси».
20.00 «Время».
20.35 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
21.20 «5 дақиқа ҳангома».
21.25 «Бугун оламда...». Ахборот кўрсатуви.
21.30 «Дурдаршан».
22.00 «Вести».
22.35 Кинематограф: «Шерлок Холмс ва Доктор Ватсоннинг саргузаштлари». 10-қисм.
00.15 «Шоҳсўпа сари йўл».
00.35 Клип-антракт.
00.45 «Ахборот» (рус тилида).
01.10 Тунги сеанс: «Йўқотилган сайёра учун курраш». Фантастик фильм. Бош ролларда Матт Миллер, Денис Кауард. (АҚШ).
02.45–02.50 Тунингиз осуда бўлсин!

ПАЙШАНБА, 8

ЎзТВ-I
«ЎЗБЕКИСТОН» телеканали

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00–8.30 «Ахборот».
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 Театр ҳонандаларининг концерти.
9.10 «Талаба ва спорт».
9.25 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Ҳисор қўриқхонаси».
9.45 «Буни умр дерлар».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Инсон ва қонун»га ҳатлар.
10.25 «Остона». Адабий кўрсатув.
10.50 «Оламни асранг».
11.10 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
12.20 Кундузги сеанс. «Маринка, Янка ва кирол қасрининг сири». Бадиий фильм.
13.35–14.00 «Кишлоқ ҳаёти».
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Алпомишлар ҳамиша голиб».
18.25 «Ажаб саодат эрур». Бадиий-публицистик кўрсатув.
18.50 «Харита». Халқаро шарҳ.
19.05 «Хидоят сари».
19.25, 20.25, 21.00, 21.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Юзма-юз».
20.10 «Окшом эртаклари».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Бўлса қайир — бўлмаса хайр». Иқтисодий шарҳ.
21.25 «Орзу яшар кўнгилда». Мусиқий дастур.
22.00 Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги олдидан. М. Шайхзода. «Жалолиддин Мангуберди». Видеофильм. 1-қисм.
23.05 «Ахборот».
23.35 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Бухоро» — «Насаф».
00.20–00.25 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II
YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. (Янгиликлар, «Ўйна, болажон ўйна», Мультфильм).
18.45 Табобат оламида.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.20 Мусиқий лаҳзалар.
19.35, 20.25, 22.35 — Эълонлар.
19.40 «Морена Клара». Телесериал.
20.30 Мушоира.
20.40 Ешлик наволари.
20.55 Одобнома.
21.05 Дилнавоз садолар.
21.15 Одамлар орасида.
21.40 Шарқ эстрадаси.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.20 «Дойче Велле» тақдим этади...
22.40 Синема. «Варшава йўлбарси».
00.10 Спорт қитъаси.
00.40 Хайрли тун!

ЎзТВ-III
TTV

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Даракчи».
18.05 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.20 «Тошкент ва тошкентликлар».
18.35 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.15 «Усто». Телелавҳа.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Билиб қўйган яхши».
20.15 Мусиқий дақиқалар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «ТВ ва театр».
21.25 «Довюраклар». Телесериал.
22.10 Оҳанглар ва эълонлар.
22.20 Кинонигоҳ.
24.00 «Даракчи».
00.05 «Яхши қайфият».
00.55 Хайрли тун, шаҳрим!

ЎзТВ-IV
«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси
6.30–8.00
16.40 Кўрсатувлар тартиби.
16.45 Янгиликлар.
16.50 «Мультсайёра».
17.10–18.45 Туркия телевидениеси
18.45 «Бинафша».
Россия жамоат телевидениеси
18.55 Милиция сериали. «Синган чироқлар кўчаси».
20.00 «Время».
20.35 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
21.20 «5 дақиқа ҳангома».
21.25 «Польшага назар».
21.40 «Спорт-клуб».
22.00 «Вести».
22.35 «Кино саёҳаси». Замонавий Франция киноси.
22.50 Шон Коннери «Атиргул номи» фильмида (Франция).
00.45 «Ахборот» (рус тилида).
01.10 Тунги сеанс. «Қаҳр». Бош ролларда: Пол Кларк, Баверли Адлер (АҚШ).
02.35–02.40 Тунингиз осуда бўлсин!

ЖУМА, 9

ЎзТВ-I
«ЎЗБЕКИСТОН»ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00–8.30 «Ахборот».
8.30 Мумтоз қўшиқлар.
8.50 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Ўзбекистоним гуллаган боғ».
9.15 «Сарғайган саҳифалар». Адабий кўрсатув.
9.35 «Қизиқарли учрашувлар».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Ҳараён».
10.30 Немис тили.
11.00 «Беодор». Мультфильм.
11.20 Болалар учун. «Бир сиқим тупроқ».
11.35 «Мулокот». Публицистик кўрсатув.
12.05 «Меҳр қолди».
12.20 «Қўшиқ билан кўраман оламни». Мусиқий дастур.
12.50–14.00 Кундузги сеанс: «Арабелла — қарокчи қиз». Бадиий фильм.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Фойилмаҳмон Ғоша». Мультфильм.
18.15 «Ёруғ олам кузгуси».
18.30 «Қалб гавҳари».
18.50 «Иқлосот ва масъулият».
19.10 «Зиё сарчашмаси».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 Бир жуфт қўшиқ.
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Тарихий хотирасиз келажак йўқ».
21.40 «Янграсин шўх яллалар».
22.05 Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги олдидан. М. Шайхзода. «Жалолиддин Мангуберди». Видеофильм. 2-қисм.
23.05 «Ахборот».
«Мунаввар дунё». Дам олиш дастури:
23.35 «Азиз сиймолар».
23.55 Бадиий фильм.
01.25–01.30 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II
YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. (Янгиликлар, Умид чечаклари, Мульттомоша).
18.40 «Ислом ва ёшлар».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.20 «Шарнам».
19.35, 20.25, 22.55 — Эълонлар.
19.40 «Морена Клара». Телесериал.
20.30 Бизнес-доктор.
21.00 Мусиқий лаҳзалар.
21.20 «Автосалтанат».
21.40 «Меҳр кўзда». Сирдарё вилояти пахтакор ёшлари билан учрашув.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.20 Интер-спорт.
22.40 Араб эстрадаси.
23.00 Синема. «Мехрибонгинам» (Ҳиндистон).
01.00 Спорт қитъаси.
01.30 «Мунаввар тонг ифтоҳ...».
01.40 «Дидар».

ЎзТВ-III
TTV

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 Болалар учун, «Эя ва унинг дўстлари ҳузурида».
18.29 «Туризм ҳақида».
18.55 «Очиқ дарс».
19.15 Саргузашт фильмлар экрани.
19.45 «Дарвоқе...». Ҳажвий кўрсатув.
20.10–22.50 Кинонигоҳ.
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Даракчи».
18.05 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.35 «Санта–Барбара». Телесериал.
19.15 Мусиқий лаҳзалар.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Ғунчаларим».
20.05 Рақслар жилоси.
20.20 Нурли мавж.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Довюраклар». Телесериал.
21.45 «Ҳозиба».
22.05 Спорт оламида.
22.25 «Олтин нохун». Т. Алиматов. 1-кўрсатув.
22.50 «Даракчи».
22.55 Оҳанглар ва эълонлар.
23.05 Кинонигоҳ.
00.45 «Хайрли тун, шаҳрим!».

ЎзТВ-IV
«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси
6.30–8.00
16.40 Кўрсатувлар тартиби.
16.45 Янгиликлар.
16.50 «Мультсайёра».
17.10–18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 «Ҳаёт қарвони».
Россия жамоат телевидениеси
18.55 «Муҳаббат майдони».
20.00 «Время».
20.35 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
21.20 «Бугун оламда...». Ахборот кўрсатуви.
21.30 «Ҳу — Хитой».
21.45 «Дил изҳори».
22.00 «Вести».
22.35 «Оскар» мукофоти антологияси.
22.50 «Оскар» совриндорлари: «Америкалик Парижда» (1950 йил).
00.40 Клип-антракт.
00.45 «Ахборот» (рус тилида).
01.10 Тунги сеанс: «Шаҳар чўпчаги». Фантастик фильм. Бош ролларда Даррел Ларсан, Джон Сталкуэлл (АҚШ).
02.35–02.40 Тунингиз осуда бўлсин

ШАНБА, 10

ЎзТВ-I
«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00–8.30 «Ахборот».
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.05 «Ийерат».
9.15 «Экран зийнати ва муаммолар».
9.45 «Шоҳрух» клуби.
10.05 Телевизион миниатюралар театри.
10.40 «Эртанги кунга ишонч».
11.00 «Умид» намойиш этади:
«Маҳорат».
«Очиқ дарс».
«Қабоссум кўчаларида».
«Уйла, изла, топ».
13.10 «Ёшлар ва замон».
13.30 Кундузги сеанс. «Кузги марафон». Бадиий фильм.
15.00 «Ҳаёт саҳифалари».
15.25–15.55 «Маъновият». Бадиий-публицистик кўрсатув.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Фламинго».
18.20 «Ҳисоби билганлар».
18.40 «Бахтли воқеа».
18.25, 20.25, 21.00, 22.30 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Окшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Олтин дала». Пахтакорлар учун ахборот-мусиқий кўрсатув.
22.05 «Киефа».
22.35 «Дўгоналар бормисиз». Мусиқий дастур.
23.20 «Ахборот».
«Тунги ёғду». Дам олиш дастури.
23.50 «Мусиқий саҳна».
00.50 «Сиёсий бизнес». Бадиий фильм.
01.50–01.55 «Ватан тимсоллари».

ЎзТВ-II
YOSHLAR TELEKANALI

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Янги авлод» намойиш этади: «Бугуннинг боласи». («Кувноқ учрашув»).
9.40 Ешлар ва спорт.
9.55 «Қиила, ёшлигим».
10.10 Нигоҳ.
10.25 Ринг.
10.45 «Худуд». Жиззах вилоятидан тайёрланган.
11.15 «Сурур». Мусиқий дастур.
12.00 Бизнес-доктор.
12.20 «Спектакдан сўнг.
12.40 «Дилнавоз садолар».
12.30 «Ўзбектелефильм» премьераси. «Илон». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия.
13.00 Шарқ эстрадаси.
13.25 Цирк, цирк, цирк.
13.45 Гардиш.
14.05 Жаҳон жўғрофияси.
14.55 «Синдбод». Телесериал.
15.40 Хит-коллекция.
16.00 Синема.
17.30 Спорт қитъаси.
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади (Янгиликлар, Ўйна, болажон ўйна, Мультфильм).
18.40 Дилорим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.20 Бизнес академия.
19.35, 20.15, 23.05 — Эълонлар.
19.40 «Ўзбектелефильм» премьераси. «Илон». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия.
20.35 Сир.
20.55 Мусиқий лаҳзалар.
21.10 Интер-футбол.
21.35 Мусиқий ҳиебон.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.20 Кунгил кунгилга пайванд.
22.50 Лирик планда. Энтони Хопкинс.
23.10 Синема. «Қўйдек беҳозорлар». Бош ролларда Энтони Хопкинс ва Жоди Фостер.
01.00 Хайрли тун!.
01.05 «Умид».

ЎзТВ-III
TTV

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 Мультфильмлар тўплами.
18.20 Дилорим наволари.
18.40 «Билиб қўйган яхши».
18.55 «Нурли мавж».
19.15 «Давлат». Телесериал.
19.50 «Бешинчи ўлчов».
20.10 «ТВ ва театр».
20.30 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
21.15 Ҳамшаҳарлар.
21.25 Спорт оламида.
22.05 Болажонлар экрани.
22.35 «Евсвои тарихи».
23.35 «Яхши қайфият».
23.55 «Рева Бланка». Телесериал.
00.55 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
01.15 «Ешлар ҳудуди».
01.40 «Тандир, арча ва олов...». Телефильм.
02.55 Кўрсатувлар дастури.
03.05 «Даракчи».
03.20 «Фойола». Фильм-концерт.
03.35 «Конун химорсиқда».
03.55 «Умроқий мерос».
04.50 «Мулоқот». Қизиқ мерақли бадиий фильм.

ЎзТВ-IV
«Халқаро» телеканали

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Z-4».
9.45 «Кино саёҳаси».
10.05 «Атиргул номи». Бадиий фильм (Франция).
12.05 «Инсон».
12.35–13.05 «Кросс-Роудс» кафесига хуш келибсиз!
17.10–18.45 Туркия телевидениеси
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Тасвир-98».
19.15 «Биргаликда куйлаймиз».
Россия жамоат телевидениеси
20.00 «Время».
20.35 «Муҳаббат ҳужжатлари». Сериал.
22.25 Футбол. Европа чемпионатини саралаш матчи. Россия — Франция терма жамоалари.
00.40 Клип-антракт.
00.45 «Ахборот» (рус тилида).
01.10 Тунги сеанс. «Ширин орзулар». Мелодрама. Бош ролда Дженсико Ландж.
03.35–03.40 Тунингиз осуда бўлсин

ЯКШАНБА, 11

ЎзТВ-I
«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00–8.30 «Ахборот».
8.30 «Қамалак». Болалар учун кинодастур.
9.10 «Тасвирга кучган кунгил».
9.30 «Умид» намойиш этади: «Ўхшаш чеҳралар».
«Ватанимга хизмат қиламан».
«Орзулар қанотида».
«Ешлар ва эстрада».
«Бир қадам».
12.20 Ўзбек спортининг нуфузи.
12.35 «Оталар чойхонаси». Мусиқий дам олиш дастури.
13.25 «Кувноқ стартлар». Телемусобақа.
14.10 Кундузги сеанс. «Кечира олсанг, кечир мени». Бадиий фильм.
15.30–16.00 «Нурли келажак».
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бизнинг азиз боболаримиз».
18.20 «Уйғоқ қўллар». Кинокўрсатув.
18.40 «Бир наво истар кунгил». Мусиқий дастур.
19.25 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
20.00, 20.25, 21.10, 21.55 — Эълонлар.
20.30 «Тахлилнома» (рус тилида).
21.15 «Яшашга оқшомида». Дам олиш дастури.
22.00 ТВ—I намойиш этади: Телеанонс.
«Аср муҳизаси» кинодастури.
22.15 Кино янгиликлари.
22.30 «Ўзбек киноси ижодкорлари».
22.50 «Дунёнинг энг гўзал аёли». Бадиий фильм.
00.20–00.25 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II
YOSHLAR TELEKANALI

8.55 Кўрсатувлар дастури
9.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади. «Ким эпчил-у, ким чаққон», «Ўйна, болажон ўйна», «Болаларнинг тили».
9.45 Ешлар наволари.
9.55 «Бизнес-академия».
10.15 «Лаззат».
10.30 Меҳр кўзда.
11.10 «Мерос». Бадиий фильм. 4-серия.
12.00 «Ҳуш хафта ичида».
12.20 «Ўзбектелефильм» премьераси. «Илон». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия.
12.55 «Дойче Велле» тақдим этади...
13.15 Интер-футбол.
14.00 Жаҳон жўғрофияси.
14.50 Араб эстрадаси.
15.10 «Синдбод». Телесериал.
15.55 Шу қўнгнинг мавзуси.
16.15 Синема.
17.45 Шабнам.
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади (Янгиликлар, «Келинг танишайлик», Мультфильм).
18.45 Менинг ҳам ўз овозим бор.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.20 «Учрашув». «Илон» видеофильмлари ижодкорлари — мехмонимиз.
19.35, 20.10, 22.55 — Эълонлар.
19.40 «Ўзбектелефильм» премьераси. «Илон». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия.
20.15 Бари хазил.
20.30 Далия ва шарҳ.
20.40 Синфдош.
21.00 Турфа олам.
21.30 Миллионлар ўйини.
21.45 Сиз ёқтирган қўшиқлар.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.20 Келгуси ҳафтада.
22.35 Кинопрофиль.
23.00 Синема. «Муҳаббат шарпаси». (Италия).
00.40 «Хайрли тун!».

ЎзТВ-III
TTV

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 Мультфильмлар тўплами.
8.25 «Ҳозиба».
8.35 «Қўзғу».
8.55 «Давжой». Телесериал.
9.40 «Менинг Тошкентим!».
10.10 «Спорт-тайм».
10.30 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
11.15 «Умроқий мерос».
11.30 Болажонлар экрани.
12.55 А. Фитрат. «Абулфайзхон». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
14.35 «ТТВ-мюзик».
14.45 «Муаллиф».
15.15 «Рева Бланка». Телесериал.
16.45 «Сен ҳақингда ва сен учун».
17.00 «Гиннес-шоу».
17.30 «Хивача ажрим». Фильм-концерт.
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Даракчи».
18.10 «Мультжумбоқ».
18.35 Минг бир ҳикмат.
18.40 Мухлис-ТВ.
19.00 Латифа.
19.15 Дилорим наволари.
19.25, 20.00, 20.25 — Эълонлар.
19.30 «Тахлилнома» (рус тилида).
20.05 Мулоҳаза учун мавзу.
20.30 «Тахлилнома».
21.10 «Даллас». Телесериал.
21.55 Клип-хит.
22.00 «Даракчи».
22.10 Мухлис-ТВ.
22.30 Оҳанглар ва эълонлар.
22.45 «Кинонигоҳ».
00.25 «Хайрли тун, шаҳрим!».

ЎзТВ-IV
«Халқаро» телеканали

10.00 «Эртакларнинг сехрли олами».
11.40 «Парле ву франсэ?».
12.10 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
12.20 «Табиат билан танишув».
12.40 «Оскар» мукофоти антологияси.
12.55–14.45 «Оскар» совриндорлари: «Америкалик Парижда» (1950 йил).
17.10–18.45 Туркия телевидениеси
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Хорманг уста».
19.10 «Бу ажиб дунё».
19.25 «Мюзик холл».
20.00 «Время» ва биз».
21.00 Жаҳон киноси. Мел Гибсон «Ўлим кураш III» жангари фильмида.
23.10 Футбол шарҳи.
23.40 «Тахлилнома» (рус тилида).
00.10 Якшанба кинозали: «Фирибгарлар». Комедия. Бош ролларда Майкл Кейин, Стив Мартин (АҚШ).
01.55–02.00 Тунингиз осуда бўлсин!

ЗО-КАНАЛ

ДУШАНБА, 5

Соат 15.00 га қадар профилактика.

15.05, 18.00, 21.00, 01.15 — «ТВ-ҳамкор», «Метеохабар».
15.30 «Олов ғилдираги». Телесериал (Бразилия).
16.00 «Эсдалик учун дастхат». Мусиқий-дам олиш дастури.
16.30 «Нано». Телесериал (Аргентина).
17.15 «Карапуз-ТВ».
17.30 «Шаддодлар ва ғўзаллар». Телесериал (АҚШ).
18.20 «Элен ва болалар». Ёшлар телесериали (Франция).
18.45 «Қора марварид». Телесериал (Аргентина).
19.30 «Оқ тўти» клуби. Ҳажвий дастур.
20.00 «Тунги мультик».
20.25 «Клип-сюрприз».
20.45 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
21.30 «Юлдузлар чарақлаган душанба».
23.15 Телесериал.
24.00 «Бойўғлига навбат».
00.50 Тунги мусиқий канал.

СЕШАНБА, 6

8.05, 13.50, 18.00, 21.00, 01.15 — «ТВ-ҳамкор», «Метеохабар».
8.30 «Табассум-ла ярим соат».
9.00 «Кинононушта».
10.30 «Тропик жазирама». Телесериал (АҚШ).
11.20 Тонгги киносеанс.
13.00 «Ҳаёт чизиғи». Телесериал (Бразилия).
14.10 Кундузги киносеанс.
15.30 «Олов ғилдираги». Телесериал.
16.00 «Кино оламида». Ахборот-дам олиш дастури.
16.30 «Нано». Телесериал (Аргентина).
17.15 «Карапуз-ТВ»
17.30 «Шаддодлар ва ғўзаллар». Телесериал.
18.20 «Элен ва болалар». Телесериал.
18.45 «Қора марварид». Телесериал.
19.30 «Ғаройиб воқеалар». Телесериал (АҚШ).
20.00 «Тунги мультик».
20.25 «Клип-сюрприз».
20.45 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
21.30 «Оилавий кино».
23.15 Телесериал.
24.00 «Бойўғлига навбат».
00.50 Т

Кулги бекорги

БОЛАЛАР СЎЗЛАГАНДА

Ўқитувчи: Нега сочингни уйда тараб келмадинг?

Аҳмаджон: Уйда тароқ йўқ.

Ўқитувчи: Отангнинг тарогини олиб турмадингми?

Аҳмаджон: Отамнинг сочи йўқ.

* * *

Ўқитувчи: Қани ким айтади, электр билан қуёш ўртасида нима фарқ бор?

Ўқувчи: Қуёш текингга нур сочади, электрга эса пул тўланади.

* * *

Ўқитувчи биринчи синф ўқувчисидан сўраяпти:

— Нега дарс вақтида овқат еяпсан?

— Танаффусда бемалол ўйнай дейман-да...

* * *

— Азиз, синфингиздa энг ялқов ким?

— Билмайман.

— Ҳамма ёзаётганда, ким ёзмай қараб ўтиради?

— Ўқитувчимиз.

* * *

Ўқитувчи:

— «Мен ювиняпман», «Сен ювиняпсан», «У ювиняпти» десак, қайси замон бўлади?

Ўқувчи:

— Албатта, эрталаб бўлади-да.

* * *

Она олти яшар ўглига:

— Яна яп-янги иштонинг билан кўлмакка йиқилибсан-а!

— Ойижон, шу қадар тез йиқилдимки, иштонимни ечиб улгурмадим.

* * *

Ўқитувчи ўқувчидан сўради:

— Таркибида сут бор бешта нарсани айт.

— Сарёг, пишлоқ ва учта сигир.

* * *

Ўқитувчи ўқувчига энг узун француз сўзидан мисол келтиришни буюрипти. Ўқувчи иккиланмай жавоб бериб ди:

— Каучук.

— Нега энди, бу сўз узун эмас-ку?...

— Ажабланманг, каучукни истаганингизча чўзса бўлади.

* * *

— Биласизми, ойижон, бугун ўқитувчининг саволига ҳеч ким жавоб беролмади.

— Қанақа савол экан?

— У «Деразани ким синдирди?» деб сўради.

* * *

Отаси билан сайр қилиб юрган кичкина бола сигирларга дуч келиб қолади.

— Қўрқма, — дейди отаси, — бу сигир. Сен деярлик ҳар куни унинг гўштини еб турасан.

— Майли-ю, лекин бу сигирлар пишмаганда...

* * *

Ўқитувчи:

— Ҳой бола, бир ўзинг шунча хато қилгани уялмайсанми?

— Бир ўзим эмас, дадам билан бирга ёзганман.

Оилавий мутолаа.

Тафаккур гулшани

ЧАНЯКЯ ПАНДИТ ДЕЙДИ:

● Кўр кўз очилмайди, шунингдек, ўз нафсига қул бўлган киши ҳам сўқирдир. Мағрурлар ҳатто душманини ҳам кўрмайди, мол-дунёга ҳирс қўйганлар эса ўз қилмишларини гуноҳ деб билмайдилар.

● Бахилнинг уйига совға билан, қайсарнинг ҳузурига очиқ юз билан боринг, аҳмоқни кулдиринг, олимнинг уйига эса ҳаққоний сўзингиз билан боринг.

● Иштаҳанинг зўрлигига қарамай оз ейишни ёки оч қолишни, қаттиқ уйқуда ҳам хушёр бўлишни, ҳожасига вафодор ва қўрқмас бўлишни биз итлардан ўрганмоғимиз керак.

● Оқил киши бойлигини, дилидаги ўкинчини, хотининнинг ножоиз ҳатти-ҳаракатини, ўзгалар томонидан айтилган нохуш сўзларни ошкор этмайди, бошига тушган мусибатни билдирмайди.

● Филдан минг газ, отдан юз газ, буқадан ўн газ наридан юр. Аммо ёмон одамдан нари юриш учун мамлакатни тарк эт.

Назм

Рости, Шаҳриддинжонни бир ижодкор педагог сифатида танидиму, унинг шеърларида фикр самимийлиги ва теранлик устувор эканлигига ишонч ҳосил қилдим. У шеърий сатрларини худди гавҳар доналаридек бир маржонга тизар экан, уларни бўяб-бежамайди, табиийликка интилади. Ташбеҳлари ҳаётий, кузатишлари шоирона.

Умид қиламизки, шоир укамиз Шаҳриддин Умиров ҳали кўп ўқиб, ўрганиб... ижодий изланишларини тинмай давом эттириб — шеърий маржонига маржонлар қўшади. Унинг иқтидори ва салоҳияти шундай ишончли гап айтишимизга имкон беради.

Зеро «Адабиёт—чироқ», дейдилар. Шу чироқ ижод йўлингни ёритсин, Шаҳриддин укам!

Абдулла ТУРДИЕВ.

ЎЙЛАЙСАНКИ...

Унутар дедингми ё бора-бора —
Сен кетдинг қалбимни юз пора қилиб.
Ҳамон йўлларингда менман оввора,
Ўйлайсанки, кетдик буткул айрилиб.

Тунлари сирдошим бўлолмади ой,
Дардларим оқизиб кетолмади сой.
Қалбимдан ўзгалар ололмади жой —
Ўйлайсанки, кетдик буткул айрилиб.

Унута олмадим уринмай ҳарчанд,
Хаёлларим мудом сенинг билан банд.
На қилай, ер — қаттиқ, осмон — сарбаланд —
Ўйлайсанки, кетдик буткул айрилиб...

ЁНДИРДИ

Жоним, мени — шаҳло кўзинг ёндирди,
«Севаман!» деб айтар сўзинг ёндирди.
Қоронғу кечалар йўлимда ойдек —
Порлаб турар, олов юзинг ёндирди.

Сен ўзингсан менинг номусим, орим —
Сен билан янгроқдир кўлимда торим.
Умрим гулшанида ўзинг баҳорим —
Ёз ўтиб... хазонли кузинг ёндирди...

СЕНИ ЭСЛАДИМ...

Атиргул баргларин лабимга қўйиб,
Хушбўй гул атрини ҳидладим тўйиб.
Дилда соғинч, висол туйғусин туйиб —
Сени эсладим!

* * *

Кунларим беором, тунларим бедор,
Танҳоман — бўй кўрсат, қайдасан, дилдор?!
Иккимиз юрган йўл бугун майсазор —
Сени эсладим!!

Шаҳриддин УМИРОВ,
Иштихон тумани халқ таълими бўлими услубиётчиси.

Шингил ҳикоя

ДЎСТЛАР

Улар ўзларини мактабда ўқиб юришгандаёқ «ажойиб олтилик» дейишарди. Кейин ҳам чеклари ҳар томонга тушган бўлса-да, иккиуч ойда бир йиғилишиб туришар эдилар. Бугун ҳам олти дўст — олти улфат маҳалладаги ҳар гал тўпланишадиган тепаликка ошиён қуришди. Ичишди. Суҳбатлашишди. Сўнг ширакайф ҳолда Икромни ўртага олишди. Икром, нега акангнинг «Жигули»сини сира минмайсан? Ёки бермайдими? ' деди бири.

— Акаси билан отаси ҳали уни гўдак санашса керакда, — кинояли қочириқ қилди иккинчиси. — Бу фақат машинанинг чангини артишга ярайди, холос.

— Бизникида машина бўлганда ҳеч бўлмаса ҳафтада бир марта маза қилиб минардим, — гап қўшди учинчиси.

— Машинани ўғил бола минади-да, — ошкора кулгу кўтарди кейингиси.

— Унда Икром кийимларини ўзгартириб минса бўларкан, — деди бошқаси.

— «Жигули»ни ҳам минадими, ҳозир «ГАЗ-24» модадан қолаяпти-ку, — уларни ҳазил билан енгмоқчи бўлди Икром. Бироқ давра дагилар кучлироқ кулги кўтаришиб, баттар калака қилишди. Ҳамма ширакайф эди. Гаплар ва кулгилар Икромга секин-аста таъсир қила бошлади. Ахир у ҳам дўстларидек пичинглардан, кулгилардан қони қайнай оладиган ўн тўққиз ёшда эди-да...

...Эртасига Икромникига ҳаммалари йиғилишди. Энди улар бир-бирларига гапиришмас, эгниларида чопон, белларида белбоғ, бошларидаги ўсиқ сочлари устига ярашмаган дўппиларни бостириб олганларича ғамгин қўл қовуштириб туришарди. Ораларида Икром йўқ эди... У кечаси ҳеч кимга сездирмай «Жигули»ни миниб чиқиб йўлда ҳалокатга учраганди. Дўстлар Икромни сўнгги йўлга кузатишаётиб ҳўнграб-ҳўнграб йиғлашди. Қайтишда тинмай эслаб келишди.

— Мард йигит эди у.

— Яхши дўст, яхши улфат эди, раҳматлик.

— Бечора... «Жасоратли олтилик»нинг гули эди. Жойи жаннатда бўлсин!

— Тақдир экан-да...

Аммо улар бир нарсани — кечаги суҳбатни эслашдан чўчишар, бу хусусда лом-мим дейишмасди...

Адҳам ДАМИН.

СПОРТ

САККИНИНГ КИЧИК РЕЖАЛАРИ

Мадриднинг «Атлетико» жамоаси бош мураббийи Аррига Сакки ушбу клуб билан шартнома тугагач, футболдаги фаолиятига нуқта қўяжагини эълон қилди: «Бу ерда мен иккий йил ишлаб беришим керак. Кейин касбимни ўзгартирмоқчиман ва оилавий ишларга киришаман», — дейди Италия термаси жамоаси ва «Милан» жамоаси собиқ мураббийи Сакки. Лекин бу гапга ҳам ончалик ишонч билан қарамаслик лозим. Чунки «Атлетико» клуби президенти салгина муваффақиятсизликлар бўлса, мураббийнинг обрўсига қараб ўтирмай, қўлқоп алмаштиргандек олиб ташлайверадиган одати бор. Ким билади, дейсиз, балки Аррига Сакки футбол фаолиятини анча илгари тугатиш имкониятига эгадир???

«РОМА»НИ ОЛАДИГАНЛАР БОРМИ?

«Жамоа сотилиши» ўтган ҳафта футбол оламига янгилик бўлиб кирганди. Энди бу ҳол яқин кунларда футболчининг у жамоадан бу жамоага ўтиши каби одатий воқеага айланиши аниқ. Чунки «МО»дек клуб миллиард АҚШ долларига пулланганидан сўнг Италиядан ҳам «харидор» излаб юрган жамоа чиқиб қолди. «Рома» командаси бошлиги Франкс Сенси 6 йилдан буён олиб борган фаолиятини тугатиши ва машҳур клубни сотиш илинжида юрганини эълон қилди. Нархи эса «Манчестер»га тўланган қийматчалик бўлмасада, ҳар ҳолда 500-800 миллион атрофида келишилса керак.

АРЗИМАГАН ДОЛЛАР ВА БИР АРАВА ЎТИН...

Руминиянинг 4-дивизиондаги «Штамник» жамоаси «Реколта» клубидан дарвозабон Валентин Барганни 100 минг лей (11,55 доллар)га сотиб олишга қарор қилди. Энг қизиғи, «савдо» нарх масаласида келишилмай қолинди. «Реколта» раҳбарияти ушбу пулга яна 50 минг лей қўшиш лозимлигини айтди. Бунақа кичик пул миқдорининг ўрнига «Штамник» бир арава ўтин бериб қутулди — қўйди ва дарвозабонни ўзиники қилиб олди.

ТАҚДИР БУ, НА ИЛОЖ!

Англия Премьерлигасининг навбатдаги мавсуми бошланиши биланоқ мураббий алмаштириш рўй берди. «Ньюкасл» раҳбарияти Кенжа Данглишнинг ўрнига Рууд Гуллитни бош мураббий этиб тайинланди. Шотланд мутахассисининг ҳайдалиши Гуллитни ўтган йили «Челси»дан кетишига ўхшаш шов-шувли воқеа бўлди. Энг қизиғи, Гуллит яқиндагина «Ньюкасл»-таркибида тўп сураётган Алан Ширернинг ўтган йилги 20 миллион долларлик савдосини «ҳавога учган пуллар» деб баҳолаганди. Энди собиқ юлдуз ўзи «таъриф лаган» ўйинчиси билан бир жамоада фаолият кўрсатади(!).

СПОРТ

Қонун устуворлиги йўлида

ҲУЖЖАТЛАР ПУХТА БЎЛСА...

Жамиятимизнинг янгиланиш жараёнида барча жабҳаларда бўлганидек, ҳуқуқий йўналишларда ҳам, жумладан нотариал идоралар фаолиятида ҳам сезиларли ўзгаришлар содир бўлди. Бу Олий Мажлис томонидан қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида»ги қонунининг янги таҳрирда қабул қилинишида ўз аксини топаяпти. Эндиликда нотариал идоралар ҳам мустақил Ўзбекистонимизнинг қонун устиворлигини таъминлашга хизмат қилаяпти. Нотариал идоларнинг фаолияти ҳақида айниқса: қишлоқ туманларида бу жараён қандай кетаётганлиги ҳақида Бўка тумани Давлат нотариуси Муҳаббат Маматова билан суҳбатда бўлдик.

— Қонун устиворлигини таъминлашда нотариусларнинг, шу жумладан, айрим нотариал ҳаракатларни олиб борувчи мансабдор шахсларнинг ҳам ўз ўрни бор. Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида»ги қонунининг Олий Мажлис томонидан қабул қилиниши, Адлия вазирлиги томонидан нотариал фаолиятнинг барча жабҳаларини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар, қўлланмалар ва низомлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга йўлланма олиши нотариал фаолиятни демократик йўналишда ривожланаётганидан дарак беради.

Қонуннинг 1-моддасида таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикасида нотариатнинг вазифаси жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини нотариуслар томонидан қонунларда назарда тутилган нотариал ҳаракатларни амалга ошириш йўли билан ҳимоя қилишни таъминлашдан иборатдир.

— Ана шундай хизматларнинг асосий турлари нималардан иборат?

— Давлат нотариати тўғрисидаги Қонуннинг 14-моддаси асосида амалга оширилади ган ҳаракатлар турли хил битимларни гувоҳлик тариқасида қонуний кучга киритади. Булар шартномалар, томонлар ўртасидаги битимлар, воситачилик ва ишончнома қоғозлари, турли хил ҳужжатларнинг нусхалари ва улардан кўчирмалардир. Ҳозирги нархларнинг кўтарилиб боришида молмулк даъволари бирмунча кўпайиб қолди. Қонунда ана шу масала ҳам тўлалигича қамраб олинган. Жумладан, меросхўрлик ҳуқуқи ҳақида гувоҳномалар, эр-хотиннинг умумий мулкидаги уларнинг ҳиссалари ҳақидаги гувоҳномалар нотариал идоралар томонидан берилади. Уй-жой ва айрим молмулкнинг очиқ савдода бир фуқародан иккинчисига сотилганлиги ҳақида гувоҳлик ҳам нотариал идоралар томонидан тасдиқланади. Шунингдек, ҳужжатлардаги имзоларнинг тўғрилигига ва айрим ҳужжатларнинг бир тилдан иккинчи тилга таржимаси тўғрилигига гувоҳлик берилади.

— Нотариал идоларда ишловчилар албатта олий юридик маълумотга эга бўлишлари керакми?

— Ҳа, албатта. Янги қонун фаолиятимизнинг бу соҳасига ҳам янгилик олиб кирди. Ушбу қонунга кўра нотариал фаолият фақат Давлат нотариуслари томонидангина эмас, хусусий амалиёт билан шуғулланувчи кишилар томонидан ҳам олиб бориладиган бўлди.

Республикамизда нотариус лавозимининг олий юридик маълумотга эга бўлган, давлат нотариал идорасида ёки хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус ҳузурида камида бир йиллик муддатли амалиёт билан шуғулланган ҳамда малака имтиҳонини топширган, нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси тайинланади.

Мен фуқароларимизга, айниқса, қишлоқ жойларида яшовчи кишиларимизга шу нарсани эслатиб ўтмоқчиман: юқорида санаб ўтилган ҳужжатлар, айниқса молмулк, меросхўрлик ҳақидаги ҳужжатлар пухта тайёрланиб, қонуний асосда тасдиқдан ўтказиб қўйилса, кейинчалик ўринсиз низолар, асаббузарликларга ўрин қолмайди.

Темур ХАЙДАРОВ суҳбатлашди.
СУРАТДА: Бўка туман Давлат нотариуси Муҳаббат Маматова иш устида.

Қадрли Саъдиддин САЙДИСОМОВ!

Сизни 21 ёшга тўлганлигингиз билан қизғин муборакбод этамиз. Ҳаётингизнинг шу лазиз дамларида ҳамиша сизга бахт ва омад кулиб боқишини тилаймиз. Истагимиз доимо соғ-саломат бўлиб, қалбингиз ардоғидаги барча эзгу ниятларингизга эришинг! Ижодий баркамоллик ва битмас туганмас бахт ҳамиша сизга ёр бўлсин!

«Адолат» газетаси ижодий жамоаси.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 29 сентябрь бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун 1 АҚШ долларининг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

1 АҚШ доллари — 105 сўм 43тийин.

МУНАЖЖИМАР ТАҲБИРИ

5-11 октябрь кунларига

● ҚУЙ — бу давр мобайнида вазиятни кучли назоратда ушлаган тақдирдагина кўзлаган натижага эришиш мумкин. Бўш вақтингизни хўжалик ташвишларига бағишланг. Чоршанбадан жумагача турли гап-сўз ва иғволарга бўш келмаслигингизни насиҳат қиламиз. Қулай кунлар — 5, 6, 10, 11. Ноқулай кунлар — 7, 8, 9.

● БУЗОҚ — муваффақиятли ҳаракатларингиз сезиларли даромад келтиради. Сешанба, жума ва шанба кунлари юзага келадиган вазият ва аҳволларни тўғри таҳлил қилиб, вазмин қабул қилишга тайёрланинг. Ҳиссиёт ва соғлиғингизда ўзгаришлар бўлиши мумкин. Қулай кунлар — 7, 8. Ноқулай кунлар — 6, 9, 10.

● ЭГИЗАКЛАР — фаолиятингизнинг барча соҳаларида яхши шароитлар келиб чиқиши кутилмоқда. Иш кунлари жиддий мулоқотлар юқори савияда ўтиши мумкин. Илҳомингиз қуввати ортади. Кўпчилик учун ушбу кунлар фарзандлар ва оила аъзолари билан бўлган муносабатларда мураккабликни юзага келтиради. Соғлиғингизга эса аҳамият беринг. Қулай кунлар — 5, 6, 7, 9, 11. Ноқулай кунлар — 8, 10.

● ҚИСҚИЧБАҚА — кўчмас мулк, даромад ва сафарлар билан боғлиқ масалаларда омад келтирувчи кутилмаган ечимлар юзага келиши мумкин. Икир-чикирларда талабчанлик қилмай, олижаноблик кўрсатишга ҳаракат қилинг. Оила аъзоларингиз, отаонангиз, фарзандларингизнинг чин меҳрига шубҳа қилманг. Қулай кунлар — 5, 7, 10, 11. Ноқулай кунлар — 8, 9.

● АРСЛОН — бу давр ичида моддий-маиший муаммоларингизни ҳал қиласиз. Турли хилдаги ишларнинг ечимида асабларингизни таранглаштирманг. Дўстларингиз, қариндош-уруғларингиз, ҳомийларингиз томонидан кутилмаган ёрдам келади. Мазкур ҳафта ижодкорлар учун баракали ва илҳомбахш бўлиши кутилмоқда. Қулай кунлар — 5, 6, 7, 8, 10, 11. Ноқулай кун — 9.

● ПАРИЗОД — ҳафтанинг дастлабки икки кунида омадли дақиқаларни қўлдан чиқармасликка ҳаракат қилинг. Чоршанбадан жумагача тижоратга берилманг. Муваффақият ва омад яқин кунларда меҳнатингизга муносиб даромад олиб келади. Оилавий муносабатларда ўзингизни вазмин тутинг. Қулай кунлар — 5, 6, 10. Ноқулай кунлар — 7, 8, 9, 11.

● ТАРОЗУ — ушбу ҳафта кўпчилик учун ишлардан қониқиш, келажакка комил ишонч руҳида ўтади. Хуфёна қўллаб юбориш туфайли баъзилар қийинчиликсиз хизмат поғоналаридан кўтариладилар. Сизларни шаҳардан чеккага чиқиш билан кечадиган қувноқ дам олиш кунлари кутмоқда. Бироқ хаёлот оғуши нафсониятингизга путур етказувчи тасодифларга етаклаши мумкин. Қулай кунлар — 5, 7, 10, 11. Ноқулай кунлар — 6, 8, 9.

● ЧАЁН — пайшанба, жума ва якшанба кунлари бир жойда ўтиришга сабр-тоқатингиз бўлмаганлиги туфайли ички қувватингизга путур етиши мумкин. Дам олиш кунлари эса фақат ҳордиқ чиқаринг. Қулай кунлар — 7, 10. Ноқулай кунлар — 5, 6, 8, 9, 11.

● ЎҚОТАР — ишга бўлган жиддий муносабатингиз чакки бўлмайди. Сизнинг ҳаракатчанлигингиздан даромадингизга яхшигина сармоя келиши мумкин. Яқинларингиз, ёру биродарларингиз билан бўлган муносабатларингизда туйғулар туғёнини ушлаб қолишга интилинг. Юлдузлар иқтидорлилар илҳомига жўшқинлик ато этади. Қулай кунлар — 5, 6, 10. Ноқулай кунлар — 7, 8, 9, 11.

● ТОҒ ЭЧКИСИ — ушбу ҳафтада кутилмаган моддий муаммолар юзага келиши мумкин. Бу давр иродангиз учун имтиҳон бўлади. Қувват йўқотишингиз вақтинчалик ҳодисадир. Шанба ва якшанба кунлари ҳар қандай ишни қўйиб дам олишга интилинг. Қулай кунлар — 10, 11. Ноқулай кунлар — 6, 7, 8, 9.

● ҚОВҒА — ушбу ҳафта қийинчиликлар билан бошланади. Сизни моддий муаммолар, ишдаги омадсизлик, душманлар тазйиқи, кескинлик ва тажовузкорликка мойиллик, қувватсизланишлар кутмоқда. Яхшиси вақтингизни хўжалик ташвишларига бағишланг. Қулай кунлар — 5, 7, 9, 11. Ноқулай кунлар — 6, 8, 10.

● БАЛИҚ — мадорсизлик, зўриқиш, асаблар чарчоғи йиғилган муаммоларингизни ҳал қилишда фаоллилигингизни сўндиради. Барча мураккабликларга ақл-идрок ва чуқур мулоҳаза билан ёндашинг. Ўзингизга ҳаддан ташқари кўп ишларни юкламанг. Фақат сизга хос бўлган комил ишонч сабр ато этади. Қулай кунлар — 9, 10, 11. Ноқулай кунлар — 5, 6, 7.

АДОЛАТ

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши ва «Адолат» газетаси ижодий жамоаси.

ХОМИЙ: Ўзбекистон Республикаси «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик жамияти.

Бош муҳаррир: Тўхтамурод ТОШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Турғунпўлат ДАМИНОВ, Абдували ҒУЛОММАҲМУДОВ, Улуғбек ДОНИЁРОВ, Нажмиддин КОМИЛОВ, Ҳалим БОБОЕВ, Анвар ЖЎРАБОЕВ, Акмал ҚОСИМОВ, Тўхтамурод ЖЎРАЕВ, Рустам АҲМАДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Акбархўжа РАҲИМОВ, Равшан ҲАЙДАРОВ, Рустам ҚОСИМОВ.

Мулоқот учун телефонлар:
Қабулхона — 133-41-89.
Котибият — 136-55-64.
Эълонлар бўлими: 136-55-96.

Навбатчи — Ҳикматуллоҳ ҚОДИРОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 140. Буюртма Г—0435, ҳажми—2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета IBM компьютерида терилди.

• Мақолада келтирилган факт ва рақамлар учун фақат муаллифлар жавоб берадилар.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Босишга топширилди 23.30.

МАНЗИЛИМИЗ:
700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси-32.